

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АКМАЛ АБАДБЕКОВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТЕРОВЕЗИКАЛ СЕГМЕНТ РИВОЖЛАНИШ
АНОМАЛИЯСИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОСИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Рахматуллаев Акмал Абадбекович Болаларда уретеровезикал сегмент ривожланиш аномалиясининг диагностикаси ва хирургик давоси	3
Рахматуллаев Акмал Абадбекович Диагностика и хирургическое лечение аномалий развития уретеровезикального сегмента у детей	29
Rakhmatullaev Akmal Abadbekovich Diagnostics and surgical treatment of anomalies of vesicoureteral junction in children	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	61

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АКМАЛ АБАДБЕКОВИЧ

**БОЛАЛАРДА УРЕТЕРОВЕЗИКАЛ СЕГМЕНТ РИВОЖЛАНИШ
АНОМАЛИЯСИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ХИРУРГИК ДАВОСИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.DSc/Tib126 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Алиев Махмуд Муслимович тиббиёт фанлари, профессор
Расмий оппонентлар:	Зоркин Сергей Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтаров Шухрат Турсунович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Н.А.Лопаткин номидаги Урология ва интервенцион радиология илмий-текшириш институти» Федерал давлат бюджет муассасаси (Москва, Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халка йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (93-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халка йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “__” даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назыров
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (Dsc) аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни салаш ташкилотининг маълумотларига кўра “сийдик йўли тизими органлари ривожланишидаги нуқсонлар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва болаларнинг туғма касалликлари орасида 40% ни ташкил этади, бунда обструктив уропатиянинг турли кўринишлари сийдик йўли туғма нуқсонлари орасида 12% дан 45% гача учрайди”¹. «Сийдик йўли нуқсонлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу ҳомиланинг қорин ичида ривожланишининг 26 ҳафталигидан бошлаб постнатал ташхис хизмати ривожланиши ҳамда 100% ҳолларда ташхис қўйиш имконини берадиган антенатал ташхис қўйишнинг яхшиланиши билан боғлиқ»². Нуқсоннинг бемор психосексуал ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири шу қадар каттаки, бу уларнинг ҳаёт сифати кескин пасайиб кетишига олиб келади. Болаларда уретеровезикал сегментнинг (УВС) туғма аномалиясини эрта ташхислашнинг кенг спектрлари мавжудлигига қарамай, даволаш тактикаси масалалари болалар хирургиясининг ечилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган усуллари ва консерватив терапиянинг янги тамойилларини клиник амалиётга жорий қилиш ушбу патологияда ўлим кўрсаткичларини сезиларли камайтиришга имкон берди, бироқ қониқарсиз натижалар ва операциядан кейинги асоратлар сони аввалгидай юқори бўлиб қолмоқда. Болалардаги УВС аномалиясини ташхислаш ва даволашга ёндашувлар стенозловчи аномалия (СА) ва рефлюксия аномалия (РА) белгиларини эрта аниқлаш усулларини такомиллаштириш, ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, УВСнинг турли аномалиясини каминвазив усуллар билан даволаш самарадорлигини асослашни тақозо этади, бу эса илмий тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Жаҳон амалиётида сийдик йўли тизими нуқсонлари ривожланиш механизмини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар орасида уротелиал хужайралар архитектураси бузилиши, мушак тўқималари гиперплазияси, шиллиқ қават ости қатлами ёки сийдик найи деворининг бутун қалинлиги, эластик толаларнинг коллаген гипертрофияси, сийдик пуфаги учбурчаги, артериал томирлар патологияси, ва шиллиқ қават ости қон томирлар адвентицияси ажратиб кўрсатилган. Болалардаги сийдик ушлаш механизмлари бузилишини қовуқ ичи босим ошиши ёки уретеровезикал сегмент соҳасида склеротик ўзгаришга ва сийдик найчаси қисқариши ва қуйилиш тешигининг очик туришига олиб келадиган сурункали яллиғланиш жараёни фонида тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳомиланинг 5-7 ҳафталик даврида мезонефрал оқим

¹ Asgari S.A., Asl A.S, Safarinejad M.R., Ghanaei M.M.. High success rate with new modified endoscopic treatment for high-grade VUR: A pilot study with preliminary report. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 100.e1e100.e4.

² Dominic Frimberger, Stuart B. Bauer, Mark P. Cain, Saul P. Greenfield, Andrew J. Kirsch, Faridali Ramji, Maria-Gisela Mercado-Deane, Christopher S. Cooper. Establishing a standard protocol for the voiding cystourethrography. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 362e366.

дивертикули шаклланишининг бузилиш босқичини унинг кейинги ўсиш жараёни ва аномалияли шаклланган сийдик найчасига айланишини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичида туғма УВС аномалияси билан болаларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, УВС функциялари бузилиши хусусиятларини аниқлашда сақланиб қолган ва йўқотилган функциялар даражасини ишончли аниқлашга имкон берадиган мезонларни излаш зарурати туғилмоқда. Ушбу вазифаларни ҳал этиш УВС аномалиясини ташхислашни яхшилашга, шунингдек, хирургик даволашнинг оқилона усулини танлаш имконини беради. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламига уларнинг тўлақонли ҳаётий фаолиятларини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болалардаги уретеровезикал сегмент аномалиясини эрта ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон “2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли “Жамият саоматлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида”ги ва ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁴ Туғма УВС аномалияли болаларни жарроҳлик билан даволаш натижаларини

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Elisa Zambaiti, Maria Sergio, Alessandra Casuccio, Sergio Salerno, Marcello Cimador. Intraoperative ultrasound-assisted approach for endoscopic treatment of vesicoureteral reflux in children. // Journal of Pediatric Surgery 52 (2017) 1661–1665; I. Casal Beloy, I. Somoza Argibay, M. Garcia Gonzalez, M.A. Garcia Novoa, L.M. Miguez Fortes, T. Dargallo Carbonell. Endoscopic balloon dilatation in primary obstructive megaureter: Long-term results. // Journal of Pediatric Urology (2017) xx, 1.e1e1.e5; Marcel Drlik, Hana Flogelova, Kubat Martin, Tomasek Jan, Zerhau Pavel, Smakal Oldrich, Novak Ivo, Komarc Martin, Kocvara Radim. Isolated low initial differential renal function in patients with primary non-refluxing megaureter should not be considered an indication for early surgery: A multicentric study. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 231.e1e231.e4; Bernhard Haid, Christa Strasser, Tanja Becker, Mark Koen, Christoph

яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув муассалари томонидан олиб борилган, шу жумладан: Division of Pediatric Urology, Children's Hospital, Washington (Washington, USA), Department of Paediatric Urology (London, UK), The Hospital for Sick Children, Division of Nephrology, Toronto (Канада), Boston Children's Hospital of Harvard Medical School (Boston, USA); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu, China); Department of Pediatric Surgery, Astrid Lindgren Children's Hospital, Karolinska University Hospital (Stockholm, Sweden); Department of Pediatrics, Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Division of General, Thoracic, and Fetal Pediatric Surgery, Department of Pediatrics, Children's Hospital (Colorado, USA); Department of Pediatric Surgery, Children's Hospital, Helsinki University Central Hospital, University of Helsinki (Helsinki, Finland); Paediatric Surgery Department, Hôpital Sud, Centre Hospitalier Universitaire, (Rennes, France); Division of Pediatric Surgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine (Montreal, Canada); ФГАУ «Болалар саломатлиги миллий тиббиёт тадқиқот маркази», Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт академияси (Россия), Республика ихтисослашган илмий-амалий педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Тошкент, Ўзбекистон).

Туғма УВС аномалияли болаларни эрта ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилаш орқали хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли ечимлар таклиф қилинган, жумладан: уретеровезикал қўйилиш соҳаси нуқсонларининг анатомик ва функционал натижалари бир хил эмас ва иккита асосий гуруҳга бўлинади: интрамурал қисмининг патологик ривожланиши ва сийдик найчаси оғзи эктопияси (Department of Pediatric Surgery, Astrid Lindgren Children's Hospital, Karolinska University Hospital, Stockholm, Sweden); тиббиёт амалиётига информатив ва каминвазив ультратовушли текшириш усулини жорий этиш сийдик пуфаги кенгайиши ва функцияларининг бузилишини эрта муддатларда аниқлаш ва қорин ичида ҳомиланинг 26-хафтасида ташхис қўйиш имконини бериши аниқланган (Department of Pediatrics, Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine, Seoul, Korea); УВС аномалиясида узок муддатли антибактериал ва антисептик профилактика сийдик йўли инфекциясини тўла бартараф этмаслиги ва буйракда чандиқ пайдо бўлишининг олдини олмаслиги кўрсатилган (Division of Hepatobiliary

Berger, Judith Roesch, Jannik Stuehmeier, Barbara Schlenck, Wolfgang Horninger, Josef Oswald. Evaluation of Mathisen's technique for ureteral reimplantation in children with primary vesicoureteral reflux. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 393.e1e393.e7; Jun Nyung Lee, So Mi Lee, Yun-Sok Ha, Bum Soo Kim, Hyun Tae Kim, Tae-Hwan Kim, Eun Sang Yoo, Tae Gyun Kwon, Sung Kwang Chung. VUR timing on VUCG as a predictive factor of VUR resolution after endoscopic therapy. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 255.e1e255.e6; Michael Garcia-Roig, Angela M. Arlen, Jonathan H. Huang, Eleonora Filimon, Traci Leong, Andrew J. Kirsch. Delayed upper tract drainage on voiding cystourethrogram may not be associated with increased risk of urinary tract infection in children with vesicoureteral reflux. // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 312.e1e312.e6; Stanislaw Warchol, Grazyna Krzemien, Agnieszka Szmigielska, Przemyslaw Bombinski, Michal Brzewski, Teresa Dudek-Warchol. Comparison of results of endoscopic correction of vesicoureteral reflux in children using two bulking substances: Dextranomer/hyaluronic acid copolymer (Deflux) versus polyacrylate-polyalcohol copolymer (Vantrix). // Journal of Pediatric Urology (2016) 12, 256.e1e256.e4.

Surgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine, Montreal, Canada); сийдик чиқариш тизимини махсус инструментал текшириш учун кўрсатмалар ҳар иккинчи болада ҳаёти давомида юзага келади, умумқабул қилинган рентген текшируви эса техник қийинчиликлар сабаб чекланган, шунинг учун катталардаги аксарият буйракнинг оғир шикастланиши касалликни ўз вақтида аниқламаслик ва болаларда сийдик тизими ривожланишидаги нуқсонлар аломати эканлиги аниқланган (Boston Children's Hospital of Harvard Medical School, Boston, USA).

Ҳозирги вақтда дунёда ҳомиладор аёлларни эрта босқичларда скрининг қилиш орқали болаларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда; УВС аномалияси ва унинг асоратларини даволаш усулини танлашга комплекс ёндашувни такомиллаштириш стенозловчи ва рефлюксия аномалия ривожланишининг патофизиологиясини тадқиқ қилиш аҳамиятини оширади. Стенозловчи ва динамик обструкцияда УТТ, уродинамик, цистоскопик тавсиф ёрдамида бузилиш даражасини баҳолашнинг объектив мезонларини ишлаб чиқиш ва бунинг асосида болалардаги туғма УВС аномалиясинининг ишчи таснифини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда аксарият тадқиқотчилар, УВС ривожланиши аномалияси сийдик пуфагининг дистал қисми ривожланишининг туғма нуқсони асорати, деб ҳисоблашади. Бу шартли равишда СА ва антирефлюкс механизмнинг бузилиши билан кечадиган аномалияга бўлинади. Туғма аномалияда УВС эвакуатор функциясининг бузилиши асосидаги сабабларга кўра даволаш усулини танлашни объективлаштириш учун дифференциал ва ташхис мезонларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар йўқлиги бу йўналишни устувор йўналишлар қаторига киритади. Mesrur Selcuk Silay⁵ фикрича, «сийдик йўли инфекциясида (СЙИ) узоқ муддатли профилактика ёки фаоллашишнинг ҳар бир эпизодида терапия кўпроқ самарадорлиги якуний аниқланмаган». Angela M. Arlen тадқиқотларида⁶, «консерватив тадбирлар орқали қўйилган мақсадга камдан-кам ҳолатда эришилади, консерватив даволашга йўқотилган вақт қисқарган қобилият ва сийдик пуфагининг шикастланган УВС ўтишини дори воситалари ёрдамида тиклаш имкониятини исботлаш учун уринишга “жуда қиммат нархлар”. Бошқа тарафдан, УВС ривожланишининг туғма аномалиясида консерватив терапия икки ёқлама мақсадни келтириб чиқариши мумкин. Агар у даволашнинг мустақил шакли бўлмаса, шунингдек,

⁵ Mesrur Selcuk Silay, Turgay Turan, Yunus Kayal, Ismail Basbuyuk, Bilal Gunaydin, Turhan Caskurlu, M. Ihsan Karaman. Comparison of intravesical (Cohen) and extravesical (LicheGregoir) ureteroneocystostomy in the treatment of unilateral primary vesicoureteric reflux in children. // Journal of Pediatric Urology (2018) 14, 65.e1e65.e4.

⁶ Angela M. Arlen, Andrew J. Kirsch, Traci Leong, Christopher S. Cooper. Validation of the ureteral diameter ratio for predicting early spontaneous resolution of primary vesicoureteral reflux. // Journal of Pediatric Urology (2017) 13, 383.e1e383.e6.

ривожланишнинг эрта босқичларида болаларни операциядан олдин тайёрлаш варианты бўлиши мумкин (Anthony J. Schaeffer⁷).

УВС аномалиясида операция усулини танлаш уродинамика бузилиши табиати ва даражасига боғлиқ. УВС аномалиясини консерватив даволаш аксарият ҳолатларда самарасиз ва нафақат юқори сийдик йўллари кенгайиш даражасига, балки аномалия ривожланиши даражасига ҳам боғлиқ. Bernhard Haid фикрича,⁸ «УВС аномалиясини хирургик даволаш самарадорлиги 30% гача асоратлар ва 18% рецидивларни ривожлантирадиган бир қатор омилларга боғлиқ (микробли-яллиғланиш жараёнлари, нейроген сийдик пуфаги, рефлюкс-нефропатия)». Уретеровезикал куйилиш соҳасида ўтказиладиган трансуретрал ва реконструктив-пластик амалиётлар кўп босқичли эканлиги, қайталаниши, кўпинча буйрак етишмовчилиги қўшилиши билан фарқланади. «Даволанишнинг эндоскопик усулига қизиқишнинг ортиши унинг бир қатор афзалликлари, жумладан, кам шикастланиш, хирургик аралашув давомийлигининг қисқалиги, сийдик пуфагининг турли реконструктив-пластик неоимплантацияларига хос асоратлар хавфининг камлиги ва бемор даволаниш муддатининг қисқаришига боғлиқ» (Ling Leung⁹). Бироқ, УВС аномалиясини эндоскопик ташхислашда етарлича тажриба йўқлиги ёки уларнинг оғирлик даражасини етарлича баҳолай олмаслик консерватив терапияни оқламайди ва буйрак асоратларини ривожланишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, эндоскопик аралашув, УВС аномалиясини эндоскопик тузатиш усулини танлаш ва оптимал муддатлари кўрсатмалари ва ножўя таъсири баҳсли бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, УВС кечиши бузилиши этиопатогенезининг моҳиятини турлича тушуниш уретеровезикал сегментнинг эвакуатор функциялари бузилишини хирургик даволашнинг кўплаб усуллари борлигини кўрсатади ва бу юқори сийдик йўллари уродинамикасини тиклаш бўйича доим ҳам ижобий натижага эришиш имконини бермайди. Бундан келиб чиқадики, юқори сийдик йўли уродинамикаси бузилиши асосидаги патогенетик механизмларни етарлича баҳоламаслик ва УВС функционал ҳолатини дефференциал диагностик мезонлари ҳамда даволашнинг муайян усулига кўрсатманинг йўқлиги муаммонинг долзаблигини ҳамда даволашнинг оптимал усулини танлашда дифференциал ёндашувни амалга ошириш мақсадида уродинамика бузилиши сабабларини ташхислаш учун янги усуллари излаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

⁷ Anthony J. Schaeffer, Saul P. Greenfield, Anastasia Ivanova, Gang Cui, J. Michael Zerlin, Jeanne S. Chow, Alejandro Hoberman, Ranjiv I. Mathews, Tej K. Mattoo, Myra A. Carpenter, Marva Moxey-Mims, Russell W. Chesney, Caleb P. Nelson. Reliability of grading of vesicoureteral reflux and other findings on voiding cystourethrography. // Journal of Pediatric Urology (2017) 13, 192e198

⁸ Bernhard Haid, Judith Roesch, Christa Strasser, Josef Oswald. The method of urine sampling is not a valid predictor for vesicoureteral reflux in children after febrile urinary tract infections. // Journal of Pediatric Urology (2017) 13, 500.e1e500.e5.

⁹ Ling Leung, Ivy Hau Yee Chan, Patrick Ho Yu Chung, Lawrence Chuen Leung Lan, Paul Kwong Hang Tam, Kenneth Kak Yuen Wong. Endoscopic injection for primary vesicoureteric reflux: Predictors of resolution and long term efficacy. // Journal of Pediatric Surgery 52 (2017) 2066–2069.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг АДСС-15.26.4-сон “Болаларда уретеровезикал сегмент ривожланиши аномалиясини ташхислаш ва тузатиш усулини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш” (2014–2017йй.) амалий-илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда уретеровезикал сегмент аномалиясини эрта ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ультратовуш, уродинамик ва цистоскопик тавсифлар асосида болалардаги УВС аномалиясида уродинамика бузилишини баҳолашга дифференциал ёндашув ишлаб чиқиш;

УВСнинг стенозловчи ва рефлюксли аномалиясининг оғирлик даражасини баҳолашнинг патогенетик мезонларини ишлаб чиқиш;

болалардаги УВС стенозловчи ва рефлюксли аномалиясининг уродинамик кўрсаткичларини аниқлаш;

аномалия оғирлик даражасини аниқлашга имкон берадиган касалликнинг стенозловчи ва рефлюксли вариантларининг дифференциал-диагностик мезонларини ишлаб чиқиш;

УВС аномалиясининг кўрсатмаси, хирургик даволаш усулини танлашнинг объектив мезонлари ва унинг қониқарсиз натижалари хусусиятини аниқлаш;

болалардаги УВС аномалиясини очиқ хирургик даволашдаги анъанавий усулининг қониқарсиз натижалари сабабини ўрганиш;

УВС ривожланиши аномалияси кўрсатмаси ва эндоскопик даволаш усулини танлаш мезонларини УВС ривожланишининг стенозловчи ва рефлюксли аномалияси даражасига кўра аниқлаш;

болаларда УВС ривожланиши аномалиясини анъанавий очиқ хирургик даволаш усулидан кейинги қониқарсиз натижаларни эндоскопик даволашнинг оптимал усулларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг хирургия бўлимида УВС ривожланишида аномалияси билан даволанган 3 ойликдан 15 ёшгача бўлган 423 нафар бола хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда УВС ривожланишида эндоскопик трансуретрал ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини қўллашнинг турли вариантлари натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотда белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун куйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, биокимёвий, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, рентгенологик ва уродинамик тадқиқот усуллари), шунингдек статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анатом-функционал тавсифларга урғу берилган уродинамик ва цистоскопик тадқиқот уретеровезикал сегмент аномалиясида уродинамика бузилиши вариантларини таснифлаш имконини бериши асосланган;

уретеровезикал сегментнинг антирефлюкс механизми бузилишида оғирлик даражасини баҳолашнинг патогенетик мезонлари оғизчанинг жойлашиши ва конфигурацияси, сийдик найчасининг шиллик ости қавати қисқариши, босим градиенти пасайиши, гидродилятайия ва сийдик пуфаги шиллик қавати ҳолатини ўз ичига олиши аниқланган;

уретеровезикал сегментнинг стенозловчи аномалия оғирлик даражасини баҳолашнинг объектив белгилари оғизчасининг жойлашиши ва конфигурацияси, стеноз диаметри ва ҳажми, босим градиенти ошиши ва сийдик пуфаги шиллик қаватининг ҳолати эканлиги аниқланган;

уретеровезикал сегмент аномалиясида уродинамик бузилиш табиатини текшириш учун энг информатив текшириш усули диуретик юклама ва сийдик пуфадан сийдик ажралишини эндоскопик текшириш билан бирга импульс-тўлқинли доплерометрия ёрдамида ультратовуш текширув билан олиб бориладиган трансформациявий эхопелоскопия ҳисобланиши аниқланган;

уретеровезикал сегмент аномалиясини хирургик даволаш самарадорлиги сийдик найчасининг анатомик тузилиши ўзгариши даражасига кўра танланган операция усулига бевосита боғлиқлиги, уларнинг мос келмаслиги қониқарсиз натижа эҳтимолини ошириши асосланган;

уретеровезикал сегментнинг рефлюксли аномалиясини эндоскопик тузатиш натижалари болнос ўчоғи шаклланиши вариантларига боғлиқ, бунда энгил даражада STING усули, ўрта даражада НІТ I ва оғир даражада НІТ II усули танланиши асосланган;

болалардаги уретеровезикал сегментнинг рестенозини эндоскопик тузатишнинг анъанавий усулдан кейин паст стентлаш билан баллонли дилатация, уретеровезикал найча рефлюксини рецедивирлашда эса НІТ1 ва НІТ2 усули оптимал усул эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уретеровезикал сегментнинг стенозловчи аномалиясининг оғир даражаси ва эндоскопик даволаш имкони йўқлигида сийдик найчасининг пастки учдан бир қисмини моделлаштириш билан Politano-Leadbetter операцияси энг самарали хирургик даволаш усули эканлиги исботланган, бу эса операциядан кейинги асоратларни камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини узоқ муддатга яхшилаш имконини берган;

уретеровезикал сегментнинг оғир даражадаги рефлюксия аномалияси ва уретеровезикал найча рефлюксининг IV ва V даражаларини эндоскопик даволаш самара бермаганида Lich-Gregoir бўйича экстравезикал уретероцистоанастомозни қўллаш энг самарали хирургик даволаш эканлиги исботланган, бу сийдик пуфаги шиллик қавати шикастланишини бартараф этиш, инфекция тушиш хавфини камайтириш ва беморларнинг стационарда даволаниш муддатларини қисқартириш имконини берган;

уретеровезикал сегментнинг стенозловчи аномалиясида сийдик найчасини паст стенозлаш билан баллонли дилатацияни амалга ошириш энг юқори ижобий натижаларни бериши белгиланган;

уретероцеленинг интравезикал шаклида ўзгартирилган «V» ҳарфи шаклидаги ёришнинг модификацияланган усули таклиф этилган, бу эса юқори сийдик йўллари ўлчамини кичрайтирмасдан сийдик найчасини қисқартириш частотасини икки бараварга камайтириш имконини берган;

уретеровезикал сегментнинг стенозловчи ва рефлюксли вариантлари даражасини аномалия хусусиятлари ва уларнинг морфологик тавсифини текширилганлигининг эндоскопик мезонларига асосланган балли баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган, бу эса нуқсоннинг оғирлик даражасини юқори ишончли аниқлаш ва беморни даволаш тактикасини танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги беморлар аҳволини баҳолашда объектив мезонлар, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида фойдаланиш, статистик таҳлилнинг услубий ёндашуви ва статистик тўпламларни тўғри қўллаш билан асосланади. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар асосида олиб борилди. Диссертацияда ўрганилган муаммоларни ечиш усуллари замонавий илмий-амалий тасаввурлар ва болаларда уретеровезикал сегмент аномалиясини хирургик даволашни яхшилаш ёндашувларига асосланган. Кўриб чиқилган вазифалар тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллар билан таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар болалардаги мегауретер ва уретеровезикал найча рефлюксида УВС тузилиши даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, инструментал ташхиснинг оптимал усуллари аниқлаш, беморларни мақсадли текширишнинг ишчи таснифи ва алгоритминини ишлаб чиқиш, очиқ хирургик аралашувидан сўнг рестенозларни эндоскопик тузатиш кўрсатмалари ва усуллари оптималлаштириш орқали болалар хирургиясининг замонавий муваффақиятларига сезиларли ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларни текшириш бўйича таклиф қилинган дастур ва СА ва РА, УВСни тузатишнинг миниинвазив эндоскопик усуллар, жумладан, уретероцелени ёриш вариантлари, сийдик найчасининг кўрсатилган сегментининг трансуретрал баллонли дилатациясини пастки учдан бир қисмини стентлаш ушбу камчиликларни болаларда ўз вақтида аниқлаш ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини бераган. Бу эса, ўз навбатида, ногиронликни камайтириш ва ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда уретеровезикал сегмент аномалиясини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Болалардаги уретеровезикал рефлюксни ташхислаш ва трансуретрал даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 8н-д/238-сон маълумотномаси).

Таклиф этилган тавсиялар қовуқ-сийдик найчаси рефлюксли болаларни ташхислаш ва даволашнинг бевосита натижаларини яхшилаш, натижада хирургик аралашувларнинг ижобий натижалари частотасини ошириш ва ҳаёт сифатини сезиларли яхшилаш имконини берган;

«Болалардаги суправезикал обструкцияда тери орқали пункцияли нефростомия» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 8н-д/238-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар болалардаги суправезикал обструкцияни даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

болалардаги уретеровезикал сегмент аномалиясини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг болалар хирургияси бўлими, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази болалар хирургияси бўлими, Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 8н-д/238-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Болалардаги уретеровезикал сегмент аномалиясини даволаш учун таклиф этилган комплекс ёндашувни қўллаш хирургик даволашнинг узоқ муддатли натижаларини яхшилаш ва уретеровезикал рефлюксни ташхисий баҳолаш усулини 35% га оптималлаштириш ҳамда беморларнинг стационар даволаниш муддатини 19,4% га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 60 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, улардан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етгита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объектлар ва предметлар тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, мавзу бўйича эълон қилинган мақолалар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг тўртта кичик бобдан иборат адабиётларни ўрганишга бағишланган **"Болаларда уретеровезикал сегмент ривожланиш аномалиялари (патогенез, ташхислаш, даволашнинг ҳал қилинмаган муаммолари)"** номли биринчи бобида илмий изланишлар натижалари, ушбу муаммони ўрганиш бўйича замонавий адабиётлар таҳлил қилинган, патогенетик механизмлар тавсифланган, замонавий ташхислаш усуллари аҳамияти акс эттирилган, болаларда уретеровезикал (УВС) аномалияларини консерватив даволаш, хирургик ва эндоскопик усуллар билан даволаш самарадорлигига баҳо берилган. Келажақда тадқиқ этишни талаб қиладиган мунозарали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи"** номли иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифига доир маълумотлар, шунингдек фойдаланилган клиник-инструментал, лаборатория тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқот УВС аномалияси бўлган 3 ойликдан 15 ёшгача бўлган 423 нафар болаларда ўтказилган таҳлилга асосланган.

Текширувдан ўтказилган бемор болалар 2 гуруҳга бўлинди: Биринчи гуруҳ – мегауретер билан асоратланган УВС стенозли аномалиясига (СА) эга 141 нафар болалар (33,4%), иккинчи гуруҳ - бирламчи ковуқ сийдик найи рефлюкси (ҚСНР) билан асоратланган УВСнинг рефлюксли аномалиясига эга 282 нафар болалар (66,6%). Бир томондан СА ва иккинчи томондан рефлюксланувчи аномалия (РА) аниқланганда, обструктив мегауретр + ҚСНР кўринишидаги кўшма шикастланиш олтита ҳолатда юз берган.

6-12 ойгача даспансер кузатуви билан консерватив даво СА (мегауретер Ia ва Ib босқич) бўлган 31 та болада ва РА ривожланишининг бошланғич босқичи (ПМР I ва II босқич) бўлган 64 та болада амалга оширилди.

УВС оғир даражали СА ва РА эга 141 сийдик найида бажарилган очик жарроҳлик амалиётлари натижалари ўрганилди. УВС РА эндоскопик коррекцияси анъанавий STING (Subureteral Transurethral Injection усули) ва такомиллаштирилган усуллар: сийдик найлари тешигининг гидродилатацияси билан бажариладиган усул НIT1 (Hydrodistention Implantation Technique усули) ва жуфт НIT2 усулдан иборат бўлди. СА ли беморларда УВС эндоскопик коррекциясининг 3 варианты натижалари келтирилган: УВС бужлаш, сийдик найларининг пастки қисмини стентлаш билан УВС баллонли дилатацияси ва уретероцелени кесиш.

Диссертациянинг **"Болаларда УВС ривожланишидаги аномалияларнинг анатомик ва функционал тавсифи"** деб номланган учинчи боби патология ривожланиши ва кечишининг айрим клиник ва патогенетик жиҳатларига бағишланган. СА шиллиқ ости, интрамурал ва ковуқ олди зоналарида аниқланди. Стеноз ташхиси УВСни калибрлаш йўли билан ички диаметрнинг 3-4 Chдан камроқ торайишида қўйилди. УВС торайишида аниқланган диаметрнинг мегауретер даражаси билан қиёси УВС стенози акс этишига бевосита боғлиқлигини кўрсатди ($r=0,82$). Шу билан бирга, 4Ch УВС стенози компенсацияланган ва субкомпенсацияланган

мегауретер босқичига, УВС торайиши 3Сн ва ундан кам бўлганда - декомпенсация босқичига тўғри келди.

УВС торайган ёки етарли даражада ривожланмай қолган (гипоплазив) зонанинг узунлиги қисқа - 0,2-0,4 см, ўрта - 0,5-0,8 см, 0,8 см ортиқ узунроқ ўлчамларга ажратилди. Бу ерда шунингдек мегауретернинг оғирлик даражаси ва торайган (стеноз) зонанинг узунлиги ўртасидаги бевосита боғлиқлик ҳам яққол намоён бўлди ($p = -0.81$).

Юқорида кўрсатилган иккита кўрсаткичнинг қўшилиши бўйича оғир, ўртача ва енгил даражага мос келадиган обструкциянинг оғирлик даражаси аниқланди. Торайган (стенотик) зонанинг узунлигини аниқлаш билан бир каторда, обструкция зоналари профилометрияси ўтказилганда мегауретернинг даражаси қанча катта бўлса, босим градиенти ҳам шунчалик юқори бўлиши аниқланди. Бу болалардаги УВС СА оғирлигини баҳолашнинг объектив мезонларидан бири бўлди.

Эндоскопик ҳолатнинг субъектив баҳоланишини истисно қилиш учун стенозларнинг турли диаметри ва узунлигини, сийдик найлари тешикчалари шакллари ҳисобга олган ҳолда, стеноз патогенезида уларнинг тутган ўрнини акс эттирувчи ва УВС СА оғирлик даражасини аниқлашга имкон берувчи қуйидаги объектив мезонлар тизимлаштирилди: қовуқ учбурчагининг мушакли тузилмалари билан сийдик найлари тешикчаларининг боғлиқлиги (эктопиянинг йўқлиги); сийдик найлари оралиғидаги бойламнинг функционал ҳолати; шиллик ости қисми ва қовуқ орасидаги физиологик босим градиентининг сақланиб қолиши; циститнинг оғир шакллари йўқлиги. УВС СА учта оғирлик даражаси берилган, улар патологиянинг оғирлигини нисбатан объектив акс эттиради, даво усулини танлашда ва даво натижаларини таҳлил қилишда қўлланилиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

УВС СА оғирлик даражасини баҳолашнинг патогенетик мезонлари


Мезонлар		УВС СА ни оғирлик даражаси		
		енгил	ўрта	оғир
1	Сийдик найи тешигининг жойлашган жойи	Тригонал	Енгил латерализацияли	Яққол латерализацияли
2	Сийдик найи тешигининг тузилиши	ёриқсимон	кратерсимон	нуктасимон
3	Стеноз диаметри	4-5СН	3-4СН	2-3СН
4	Стенозни узунлиги	0,2-0,4 см	0,5-0,8 см	0,8см дан ортиқ
5	УВС босим градиентини ошиши	25% қадар	25-50%	50-100%
6	Қовуқ шиллик қаватининг ҳолати	Нормал ёки енгил кизариш	Субатрофия ва атрофия	Буллёзли ўзгаришлар

(* - ёшига нисбатан пасайиши)

Антирефлюкс механизмининг бузилиши билан бирга келадиган УВС аномалиялари бўлган беморларда УВС профил босимини ўлчаш билан ташхисловчи цистоскопия ўтказилди. Шу билан бирга, қовуқ тешигининг


ҳолати ва шаклига, уларнинг кенгайганлик ва очилганлик даражасига, сийдик найлари шиллик ости қисмларининг узунлиги, тонуси ва деворлари қалинлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Сийдик найларининг шиллик ости қисми узунлиги ва ҚСНР даражаси ўртасидаги нисбатни ўрганиш ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги кучли тескари коррелятив алоқа мавжудлигини кўрсатди ($p = -0.78$) (1-расм).



1 расм. Сийдик найларининг шиллик ости қисми узунлиги ва ҚСНР даражаси нисбати

РА сийдик найларининг шиллик ости қисми профил босимининг градиентини ўрганиш ҚСНР даражасининг УВС босими градиентига боғлиқлигини кўрсатди; рефлюкс даражаси қанчалик баланд бўлса, УВС босим градиенти шунчалик паст бўлади ($p = -0.69$), бу УВС антирефлюкс механизми бузилишининг (АРМБ) оғирлик даражасини баҳолашнинг объектив мезонларидан биридир (2-расм).



2 расм. ҚСНР даражасининг УВС босим градиентига боғлиқлиги

Типик жойлашувга, ёпиқ тешиқларга эга, II-III даражали ҚСНР билан оғриган беморларнинг 27 фоизда яширин дисплазияни аниқлаш учун ирригацион синов (гидродилатация) қўлланилди.

Сийдик найларининг антирефлюкс ҳимоясига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили уларнинг ҚСНР патогенезида тутган ўрнини аниқлашга ва баллар билан УВС АРМБ оғирлик даражасини баҳолашнинг объектив мезонларини ишлаб чиқишга имкон берди. Тўпланган балларнинг

Йиғиндиси бўйича даволаш усулини танлашда ва даволаш натижаларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган УВС АРМБ куйидаги даражаларини ажратишимиз мумкин: 0-4 баллга тўғри келадиган ўртача (I), ўрта оғирликдаги (II) - 5-8 балл, оғир даражали (III) - 9-12 балл (2-жадвал).


2-жадвал

УВС антирефлюкс механизми бузилишларининг оғирлик даражасини баҳолашнинг патогенетик мезонлари

АРМБ мезонлар		Вариант (баллар)		
		0	1	2
1	Жойлашган жойи	тригонал	латерализация	каудал, краниал, эктопия
2	Конфигурацияси	ёриқсимон	тақасимон, овал шаклида	Воронкасимон, юлдузчали
3	Сийдик найлари шиллик ости қисмининг қисқариши*	25% қадар	25-50 %	50% дан ортик
4	УВС босим градиентининг пасайиши	25% қадар	25-50 %	50-100%
5	Гидродилатация	Н0, Н1	Н2	Н3
6	Қовуқ шиллик қавати ҳолатинингхусусиятлари бўйича	Нормал ёки энгил қизариш	Субатрофия ва атрофия	Буллёз ёки трабекуляр ўзгаришлар

(* - ёшига нисбатан пасайиши)

ҚСНР даражасининг сийдик найлари шиллик ости қисми УВС АРМБ оғирлик даражасига боғлиқлигини ўрганиш кучли ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ($p = 0.84$). Ишлаб чиқилган УВС АРМБ мезонлари патологиянинг оғирлик даражасини акс эттиради ва даво усулини танлаш ва натижаларни баҳолаш учун қўлланилиши мумкин. Ўтказилган эндоскопик ва функционал тадқиқотлар натижалари болаларда УВС ривожланишига доир аномалияларнинг ишчи таснифини яратишга имкон берди (3-расм).



3 расм. Болаларда УВС ривожланиш аномалияларнинг ишчи таснифи

Шундай қилиб, УВС аномалияларининг анатомик ва функционал хусусиятларини ўрганиш УВС бузилишларининг оғирлик даражасини баҳолашнинг етарли миқдордаги ишончли патогенетик ва морфологик мезонларни тақдим этди.

"Уретеровезикал сегмент ривожланиш аномалияларининг диагностикаси" номли тўртинчи бобда, болаларда УВС ривожланишига доир аномалияларнинг умумий клиник, лабораториявий, инструментал, уродинамик, эндоскопик ва морфологик хусусиятларини таҳлили кўрсатилган.

УВС СА билан касалланган ёш болаларнинг аксариятида сийдик найларининг кенгайиши вақт ўтиши билан изсиз йўқ бўлиб кетди ва жарроҳлик амалиёти орқали даволашни талаб қилмади, бу эса УВС етарли даражада ривожланмаганлиги туфайли обструкциянинг функционал хусусиятидан (ФХ) далолат беради. Торайтирувчи обструкциянинг органик хусусиятли (ОХ) кўпинча консерватив муолажалар таъсир қилмайдиган инфекция қўшилгандан кейин, жуда кеч ташхисланган.

Беморларнинг ёшига қараб турли даражадаги мегауретерларнинг пайдо бўлиш частотасини ўрганиш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда II даражали мегауретер учраган (52,9%). Шу билан бирга, беморларнинг энг кўп миқдорини 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар ташкил қилди.

I-V даражали ҚСНР ташхиси 282 нафар беморда (374 сийдик найларида) аниқланди. III ва IV даражали ҚСНР энг кўп ташхисланди (мос равишда 33,9% ва 32,9%). Шу билан бирга, СА бўлгани каби, ҚСНР пайдо бўлишининг анча юқори частотаси 1-3 ёшга тўғри келган.

